

Лойиха-смета ҳужжатларини
тайёрлаш ҳақида шартнома

2022-йил, «20» сентябрь

Андижон шаҳри

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва ўз Низоми асосида фаолият кўрсатадиган “Auto Rubber” МЧЖ номидан унинг Бош директори **Ф.Х. Марахимов** бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган «Binokor-Loyiha» Х.К номидан унинг раҳбари **Д. Аскар**ов иккинчи томондан мазкур шартномани <https://etender.uzex.uz/> электрон савдо платформасида энг яхши таклифларни танлаб олиш орқали 09.09.2022 йил куни ўтказилган 22120012145535 сонли савдо лоти натижасида шаклланган 43260 сонли харид комиссияси баённомасига асосан қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 “Бажарувчи” Андижон шаҳар, Бобуршоҳ кўчаси, 73-уй манзилда жойлашган корхона “Миксер линияси металл платформасини тайёрлаш ва ўрнатиш” учун лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 Шартномани бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга руҳсат этилмайди.

2. Томонларнинг мажбуриятлари**2.1 “Бажарувчи” нинг мажбуриятлари:**

- “Бажарувчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган ҳолларда “Буюртмачи” га ахборот жўнатиш

2.2 “Бажарувчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни “Буюртмачи” нинг руҳсатсиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи” нинг мажбуриятлари:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Бажарувчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Бажарувчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Бажарувчи” нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик.

3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати лойиха-смета ишларига ўтказилган биржа танловларининг 09.09.2022 йил куни ўтказилган 22120012145535 сонли савдо лоти натижасида шаклланган 43260 сонли харид комиссияси баённомасига асосан **9 800 000.0 (тўққиз миллион саккиз юз минг)** сумни ташкил этади, лекин якуний нарх

3.2 Бундан “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи” га шартнома дастлабки қийматининг **70%** миқдори **6 860 000 (олти миллион саккиз юз олти миш минг)** сўм тўловини олдиндан аванс сифатида мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида амалга оширади, қолган **30%** миқдори **2 940 000 (икки миллион тўққиз юз қирқ минг)** сўм бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг 10 (ўн) иш куни давомида амалга оширилади.

3.3 “Буюртмачи” “Бажарувчи” дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4 Мазкур шартнома бўйича **“Бажарувчи”** томонидан амалга ошириладиган лойиҳа ишлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 **“Бажарувчи”** томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 **“Бажарувчи”** ишларни бажариб бўлгач, **“Буюртмачи”**га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 **“Буюртмачи”** мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва **“Бажарувчи”** имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида **“Буюртмачи”** нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 **“Буюртмачи”** ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 **“Буюртмачи”** тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳақозо) учун **“Буюртмачи”** тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,2% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 **“Буюртмачи”** олган мажбуриятини бажармаган тақдирда **“Бажарувчи”** ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 **“Бажарувчи”** шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”** га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 10% дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар) да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда **“Бажарувчи”** уларни бегараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5. Агар **“Бажарувчи”** ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, **“Бажарувчи”** **“Буюртмачи”** га етказилган зарарни тўлайди. **“Бажарувчи”** ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги конуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, **“Буюртмачи”** бажарилган ишлардан бош тортишга ҳақли, **“Бажарувчи”** дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси молиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар **“Бажарувчи”** лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда **“Бажарувчи”** **“Буюртмачи”** га етказилган зарарни тулайди. **“Бажарувчи”** ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги конуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вақтга чўзиладиган бўлса, **“Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** лойиҳани давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 **“Буюртмачи”** тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги **“Бажарувчи”** учун «форс–мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1 **“Буюртмачи”** 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, **“Бажарувчи”** томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, **“Бажарувчи”** эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.

8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, бажарувчига берилади.






8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

10. Томонларнинг реқвизитлари

БУЮРТМАЧИ		БАЖАРУВЧИ	
«Auto Rubber» ИК		«BINOKOR LOYIHA» ХК	
Андижон ш., Бобуршоҳ, 73-уй		Андижон ш., Навоийшоҳ №35	
Тел: (74) 224-20-00		Тел.: (93) 251-13-87	
Х/р: 2020 8000 6051 2903 6001		Х/р: 2020 8000 1002 3514 7001	
«Чамкорбанк» АТБ Бош офиси		Ипотека банк Истиклол филиали	
МФО: 00083 ИНН: 306763383		МФО: 00068 ИНН: 302641854	
		ОКОНХ: 66000	
Бош директор: 		Раҳбар: 	
Ф.Х. Марахимов		Д. Аскарров	
			
		М.Ў.	

KELISHILDI	Ma'sul shaxs	Bo'lim boshlig'i	Rejalashtirish bo'limi	Bosh xisobchi	Moliyaviy menejer	Direktor o'rinbosari
						

Юрисконсулт
«AUTO RUBBER» М.С.Ш.С.
Per № 97 КБ 20.09.22